

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2025 йил 3 январь.

Андижон тумани.

Жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди,
раислик қилувчи З.Омонов,
судья ёрдамчиси А.Нуриддинованинг котиблигида,
тарафлардан Андижон тумани прокурори ёрдамчиси Ф.Абдумаликов,
судланувчи О. [REDACTED], жабрланувчининг вакили Н. [REDACTED] иштирокида,
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми билан
айбланган,

[REDACTED] ([REDACTED]), [REDACTED]

туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар
фарзандлари бор, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи,
муқаддам судланмаган, [REDACTED]

[REDACTED],
иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси
қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил
20 декабрь куни олганга оид,

1-1702-2401/332-сонли жиноят ишини сайёр суд мажлисида, Андижон тумани,
Нохатак МФЙ биносида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг вакилини кўрсатувини, тарафлар
музокараси, судланувчининг ҳимоя ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши
ҳужжатларини ўрганиб ва унда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи О. [REDACTED] 2024 йил 21 октябрь куни соат 0³⁰ларда ўзининг
“Cobalt” русумли, давлат рақами 60 L [REDACTED] АВ бўлган автомашинасини Андижон
тумани, “Кўшарик” МФЙда бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг
11-бандидаги, “Ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати
катнашчиларига айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва
велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт” ва 77-
бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва
юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек,
ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт
воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак.
Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятидаги хавф юзага
келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган
даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат катнашчилари учун хавф
туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”-деб кўрсатилган
талабларни қўпол равишда бузиб, қатнов йўлини кесиб ўтаётган пиёда
Т. [REDACTED] ни уриб юборган.



Натижада, жабрланувчи Т. [REDACTED] оғир тан жароҳатлари олиб шифохонада вафот этган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 06.11.2024 йил кунги 511-сонли хулосасига кўра, Т. [REDACTED] да бош мия ёпиқ шикасти, бош мия юмшоқ парда остига ва мия моддаларига, қоринчаларига кон қуйилишлари, орқа мия ёпиқ шикасти, бўйин умуртқасини ёпиқ парчаланиб синиши каби жароҳатлар аниқланиб, улар “хаёт учун хавфли бўлган оғир” тан жароҳатлари экани ва жабрланувчининг ўлимига сабабчи бўлгани кўрсатилган.

Судланувчи О. [REDACTED] судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроп бўлиб, 2024 йил 21 октябрь куни тунги соат тахминан 0³⁰ларда ўзининг “Сobalt” русумли автомашинасида уч нафар йўловчиларни олиб, Тошкент шаҳрига қараб йўлга чиққани ва Андижон тумани, “Кўшарик” МФЙда ҳаракатланиб кетаётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда Т. [REDACTED] ни кўриб қолгани, тормозласа-да машинада уни уриб юборгани, сўнг дарҳол ўзи жабрланувчи Т. [REDACTED] га биринчи ёрдам кўрсатиб, уни шифохонага олиб боргани, аммо жабрланувчи олган тан жароҳатлари туфайли шифохонада вафот этгани, ҳозирда ўзи содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, жабрланувчининг қариндошларидан кечирим сўраб, уларга етказилган барча зарарларни бартараф этганини айтиб, суддан ўзига енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган жабрланувчининг вакили Н. [REDACTED] ўз кўрсатувида, Т. [REDACTED] унинг отаси бўлиб, у 1952 йилда туғилгани, 2024 йил 21 октябрь куни эрталаб отаси Т. [REDACTED] ни Андижон тумани, “Кўшарик” МФЙда автомашина уриб юборганини билиб, шифохонага етиб боргани, аммо шифокорлар томонидан тегишли муолажалар кўрсатилганига қарамай отаси шифохона вафот этганлигини айтиб, судланувчи О. [REDACTED] отасининг барча маросимларини ўтказишда уларга ёрдам кўрсатгани ва барчаларидан кечирим сўрагани, шу сабабли ўзининг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О. [REDACTED] нинг айби юқоридагилардан ташқари, судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Махмудовнинг дастлабки терговдаги кўрсатуви билан, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларига кўшилган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси, судга оид тиббий ва автотехник экспертизаларининг хулосаси, олинган тушунтириш хатлари ва иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, О. [REDACTED] нинг юқоридаги қилмиши тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, О. [REDACTED] йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб, жабрланувчининг ўлимига сабабчи бўлган.

Судланувчи О. [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда, суд, унинг айбига тўлиқ иқроп ва ундан пушаймонлигини, муқаддам судланмагани, қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлиги, жабрланувчининг вакили суддан О. [REDACTED] га енгиллик беришни сўраганини жазони енгиллаштирувчи ва содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига



кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, судланувчига Жиноят кодекси 45 ва 57-моддаларини қўллаб, судланувчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, у айбланган қилмиш учун жазо санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ – ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи [] [] Жиноят кодекси 266-моддаси 2-қисми билан мазкур кодекснинг 45 ва 57-моддаларини қўллаб, 2 йилга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижро этирилсин.

Жазоларни ижро этиш Пахтаобод тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси маҳкум Пробация гуруҳи томонидан ҳисобга олинган кундан бошлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси пробация бўлими томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ муддати маҳкум белгиланган жойда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Судланувчи О. [] га қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчининг вакилини судланувчига нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчининг вакили ҳукм нусхасини олган сўнг сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Андижон вилояти судига шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи : и м з о З.Омонов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг раиси : З.Омонов

